

Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлими тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Бухоро вилоят статистика бошқармаси Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлимининг (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Бухоро вилояти статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Бухоро вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлим қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўйича фаолиятини бошқармани таркибий бўлинмалари, туманлар ва қишлоқ хўжалик фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади. Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Бошқарма бошлиғига бўйсинади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш соҳасида:

Давлат статистика ишлари дастурининг қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид қисмининг бажарилишини таъминлаш;

вилоят ва секторларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурлари бажарилиши бўйича давлат статистика кузатувларини Бошқарма ваколати доирасида ташкил этиш ва амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда, зарур ҳолларда қоғоз кўринишида йиғишни, сўровларни ва бошқа кузатувларни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид кўрсаткичларнинг статистик ҳисобини юритиш, вилоят бўйича муҳим жараёнларнинг бирламчи статистик таҳлилни амалга ошириш;

статистик ҳисобот кўрсаткичларининг тезкорлиги, ишончилиги ва ҳолислигини ҳамда статистик маълумотларнинг шаффофлиги ва очиқлигини кенгайтириш бўйича чоратadbирларни амалга ошириш;

хўжалик юритувчи субъектларга қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид давлат статистика ҳисоботи кўрсаткичларини ишончли тақдим этишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

Бошқарма ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси соҳасига оид статистик маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

қонунчиликка мувофиқ, Бошқарма иш фаолиятида шаклланган архив ҳужжатларини жамлаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ишларини амалга ошириш.

б) давлат органлари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини белгиланган тартибда қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид ахборотлар билан таъминлаш соҳасида:

миллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид кўрсаткичларни максимал даражада шаффофлиги ва ошқоралигини, халқаро статистик тўпламлар учун тайёрланишини таъминлаш;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун қишлоқ хўжалиги ва экология соҳасида юз бераётган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар ва пресс-релизлар тайёрлаш;

қишлоқ хўжалиги ва экология соҳасини тавсифловчи тезкор ва сифатли статистик маълумотларни тайёрлашни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижроси юзасидан Бўлим ваколати доирасида йиллик, чораклик статистик ҳамда таҳлилий материалларни тайёрлашда иштирок этиш;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид статистик кузатувлар ва расмий статистик маълумотларни тарқатиш бўйича ташкил этиладиган ахборот-тушунтириш ишларида иштирок этиш.

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси соҳаси услубияти, статистика ишларини ташкил этиш ва уларни бажариш масалалари бўйича бошқарманинг таркибий бўлимлари ва туман-шаҳар статистика бўлимларига ёрдам кўрсатади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларининг ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда мурожаат эгаларига жавоблар тайёрлайди;

Бошқарма раҳбариятининг топшириқлари ва фойдаланувчиларнинг сўровларига асосан қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

Бўлимнинг услубий, иқтисодий, ташкилий ва статистик ишлари режаларини шакллантиради ва уларнинг ижросини таъминлайди;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди;

Бошқарма раҳбарияти кўриб чиқиши учун таҳлилий ва бошқа материалларни тайёрлайди;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси соҳаси бўйича халқаро нормалар ва талабларга жавоб берадиган статистик услубиётни ишлаб чиқади ва давлат статистика кузатувлари шакиллари статистик маълумотларни шакиллантириш жараёнига жорий этади;

давлат идоралари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини белгиланган тартибда қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид статистик маълумотлар билан таъминлайди;

Бўлим ва унинг таркибий бўлимлари иш услубини такомиллаштириб боради, фуқаролар мурожаатларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди, бошқарма ходимлари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича масъулиятини ошириб боради;

Бошқарманинг таркибий бўлимлари ҳамда туман-шаҳар статистика бўлимлари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси соҳасида ахборотларни шакллантириш бўйича ишларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

Давлат статистика ишлари дастурининг қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси қисми бўйича вазифалар ижросини таъминлайди;

Туман-шаҳар статистика бўлимлари томонидан, қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика услубиёти асосида ташкил этиш ишларини мувофиқлаштиради;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид давлат статистика ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиш ишларини ташкил этади, бу йўналишда туман-шаҳар фаолиятини мувофиқлаштиради;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритади;

Бўлим ўзига юклатилган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бошқарманинг тармоқ бўлимлари ва туман ва шаҳар статистика бўлимларидан ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси соҳасида ишларни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича бошқарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ва бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда уларнинг филиалларидан) давлат статистика ҳисоботларини белгиланган тартибда олиш ҳамда улардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид ишларни олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни ишлаб чиқишнинг исталган босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси соҳасига оид давлат статистикаси кузатувларининг методологияси ва ташкил этилиши, шунингдек расмий статистик ахборотлар билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикасига оид маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва ҳолисоналигини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси соҳасидаги давлат статистика маълумотларида бузилишлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш ва йиғма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

Бошқарма иш режалари, бўлим иш режасининг тузилиши ва мазмуни бўйича Бошқарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича Бошқарма ва тармоқ бўлимлари билан ҳамкорлик қилиш.

9. Бўлим қуйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиш;

Бўлим ходимлари томонидан белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

4-боб. Бўлимнинг тузилмаси

10. Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлими. Бўлим таркибига бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари, бош мутахассис, етакчи мутахассис ва биринчи тоифали мутахассис киради;

11. Бўлим иш фаолиятига бевосита бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари, бош мутахассис, етакчи ва биринчи тоифали мутахассислар бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

13. Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлими қуйидагиларни амалга оширади:

қишлоқ хўжалиги ва экология соҳасида мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши бўйича чораклик ва йиллик статистик ҳамда таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ва тақдим этиш;

таҳлилий жадваллар, пресс-релизлар, маърузалар ва статистик тўпламларни тайёрлаш;

динамик қаторлар кўрсаткичларини юритиш;

маълумотлар тақдим этиш ва ахборот-тушунтириш тадбирларини қўшган ҳолда респондентлар ва ахборот фойдаланувчилари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориш;

Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларини қишлоқ хўжалиги ва экология соҳасида таҳлилий ахборотларни шакллантириш жараёнида маҳаллий фойдаланувчилар кенг доираси учун статистик ахборотларнинг имкон даражасида шаффофлиги ва ошқоралигини таъминлаш;

14. Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлими қуйидагиларни амалга оширади:

қишлоқ хўжалиги статистикаси бўйича ахборотларни Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ва муддатлар бўйича йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, сақлаш ва белгиланган муддатда Давлат статистика кўмитасига тақдим қилиш;

қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича муҳим индикаторларни баҳолаш ва ҳисоб-китобини юритиш, барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторлари учун маълумотлар тайёрлаш;

қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш ва сақлашнинг замонавий усул ва услубиятларини кенг жорий қилган ҳолда статистик кузатувларни ташкил этиш.

15. Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлими қуйидагиларни амалга оширади:

экология ва чиқиндилардан фойдаланиш статистикаси бўйича давлат статистика ҳисоботлари шакллари ва кузатув сўровномаларини ўз муддатида йиғиб олиш;

экология ва чиқиндилардан фойдаланиш статистикаси бўйича ахборотларни Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ва муддатлар бўйича йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, сақлаш ва Давлат Статистика Кўмитасига ўз муддатида тақдим қилиш;

5-боб Бўлим фаолиятини ташкил этиш

16. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика кўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тўғрисида низом, Бухоро вилоят статистика бошқармаси Низоми,

Бошқарма бошлиғининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек бошқарманинг иш режалари, бўлимнинг иш режалари ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланадиган бошқарманинг иш режалари асосида шакллантирилади.

Ходимларнинг функционал вазифалари бўлим бошлиғи томонидан бўлинмага юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

19. Бўлим бошлиғи:

бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг ишини мувофиқлаштиради, бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Давлат статистика кўмитаси ва Бошқарманинг иш режаларида кўзда тутилган масалаларни ўрганилишини ва чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

бўлим мутахассислари томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни, шунингдек бўлимга юкланган вазифалар бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қилади;

статистика соҳасида илғор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика амалиётига жорий этиш бўйича бўлим мутахассислари тайёрлаган таклифларни умумлаштиради;

бўлимга юкланган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини амалга ошириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

Бошқарма бошлиғи билан бирга бўлим фаолиятини такомиллаштириш, Давлат статистика ишлари дастурини, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

бўлим ишларининг самарадорлиги даражасини ошириш, иш услуби ва методларини, уни ташкил қилишни яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

Бўлимнинг ўзи бошчилик қиладиган бўлими ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарма тармоқ бўлимлари ва туман-шаҳар статистика бўлимларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

ходимлар томонидан давлат ва тижорат сирини риоя қилинишини ҳамда бўлимга кирувчи материалларни ва бўлимдан чиқувчи материалларнинг нусхаларини сақланишини таъминлайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалаларни муҳокама қилишда идоралар, корхоналар ва ташкилотларда Давлат статистика кўмитаси ва бошқарма манфаатларини ифодалайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклда келиб тушган мурожаатларни кўриб

чиқилишини (зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида) ташкил қилади, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва Бошқарма раҳбариятига киритади;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

20. Бўлим бошлиғи вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Бўлим бошлиғи ўринбосари бажаради.

21. Бўлим бошлиғи ўринбосари:

статистик кўрсаткичларни ишончлилиги, объективлиги, тўлиқлиги ва тизимлилигини таъминлашда иштирок этади;

кузатув шакллари ва йиғма таҳлилий жадваллар намунаси, кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси, маълумотларни қайта ишлаш бўйича дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун техник топшириқларни тайёрлаш, статистик инструментарийларни шакллантирилишини, бюллетенлар, тўпламлар, маърузалар ва иқтисодий ёзишма материаллар учун статистик маълумотлар тайёрлайди;

муҳим статистик индикаторларни баҳоланишини ва ҳисоб-китобини юритилишини таъминлайди;

давлат статистика ҳисоботи ва кузатув сўровномаларини ўтказилишини таъминлайди;

статистик маълумотларни шарҳлаш, статистик кузатув бланкаларини тўлдириш масалалари, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш услублари, статистик ҳисоб-китоблар ўтказиш, олинган маълумотларнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш;

статистик кузатувларнинг электрон маълумотлар базаси сақланишини ва асосий статистик кўрсаткичлар бўйича динамик қаторлар юритилишини назорат қилади;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

22. Бўлим бош мутахассиси:

функционал вазифаларига мувофиқ маълумотлар, материаллар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

бюллетенлар, тўпламлар, маърузалар ва иқтисодий ёзишма материаллар учун статистик маълумотлар тайёрлайди;

муҳим индикаторларни баҳолайди ва ҳисоб-китобини юритади;

асосий статистик кўрсаткичларнинг динамик қаторларини юритади ва доимий равишда янгилаб боради;

статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва ўз муддатида Давлат статистика кўмитасига тақдим этиш;

бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун

зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;
вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

23. Бўлим етакчи мутахассиси, 1-тоифали мутахассиси:

функционал вазифаларига мувофиқ маълумотлар, материаллар, таклифлар ва ҳужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш;

давлат статистика ҳисоботларини белгиланган муддатларда сифатли тақдим этилишини назорат қилади, олинган маълумотларни таҳлил қилади, улар асосида жамланма маълумотлар жадвалларини шакллантиради, асосий статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш ишларини амалга оширишда иштирок этади;

бюллетенлар, тўпламлар, маърузалар ва иқтисодий ёзишма материаллар учун статистик маълумотлар тайёрлашда иштирок этади;

бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материаллар ва уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

иш юритишни олиб боради, Бошқармада ҳужжатларнинг ўтиш тартибини ташкил қилади, ҳужжатларни архивда сақлаш учун тайёрлаш ва ўз вақтида топширишни таъминлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;
вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.